

# ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

26 июнь, ШАНБА № 123 (628). 1993 йил. Сوتувда эркин нархда.

## МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ЭРТАГА ЎЗИНИНГ ЯНА БИР МИЛЛИЙ БАЙРАМИ— МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ НИШОНЛАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ОЛТИН ВОДИЙ» ВА «ФЕРГАНСКАЯ ПРАВДА» ВИЛОЯТ ГАЗЕТАЛАРИНИНГ АЛОҲИДА УРНАҚ КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТУГРИСИДА

Журналистика ва матбуот соҳаларидаги кўп йиллик самарали хизмат ҳамда жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвони берилсин:

- «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»  
Ефимов Юрий Павлович — «Ферганская правда» вилоят газетаси хатлар ва оммавий ишлар бўлимининг мудири.  
Эргашев Дониёр Эргашевич — «Олтин водий» вилоят газетасининг бош муҳаррири.  
Хусанов Абдужаббор Улмасович — Ферғона вилояти матбуот бошқармасининг бошлиғи.
- «КЎЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ»  
Абдуллаев Аминжон — «Олтин водий» вилоят газетасининг мухбири.  
Ашуров Иброҳимжон — «Олтин водий» вилоят газетасининг бўлим мудири.  
Бобононов Абдуқалил Отажонович — «Олтин водий» вилоят газетасининг масъул котиби.  
Куршев Борис Иванович — «Ферганская правда» вилоят газетаси муҳаррирининг муовини.  
Муллаев Тошқизи — «Олтин водий» вилоят газетасининг мухбири.  
Раҳимов Олег Владимирович — «Ферганская правда» вилоят газетасининг катта мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.  
Тошкент шаҳри, 1993 йил 25 июнь.

### Биз—эгизак касбдошлармиз



Уятган ҳар бир кунимиз ўзбек халқи истиқлолнинг янги-янги самараларини намойиш этмоқда. Мухими шундаки, истиқлол шарофати билан ҳар бир касб аъзагарининг меҳнати, фаолияти ва ижоди олдига ҳам нурафшон истиқбол уфқлари очилмоқда.

Матбуот ва телевидение ходимлари — бу, эгизак фарзандлар, эгизак журналистлардир. Бизнинг мақсадибиз битта — у ҳам бўлса ҳозирги Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти оғинмай изчиллик билан олиб бораётган истиқлол сиёсатини, мустиқиллик мафқурасини намонали равишда тарғиб қилиш, ҳар бир замонавий ишда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусини камол топтиришдир.

Ушундай аниқлик муборак бўлсин, азиз касбдошлар!  
Шерзод ҒУЛОМОВ,  
Ўзбекистон Давлат теле-радио компанияси раисининг ўринбосари.

### ШОДИЁНА МУБОРАК!

Республикамиз мустиқилликка эришган пайтдан буён ижтимоий-иқтисодий масалалар билан бирга бир қатор маънавий муаммолар ҳам ҳал этилди.

Олдинлари Москва тошириги билан нишонланган қатор байрамларга чек қўйилди. Ана шулар қаторида бизнинг касб байрамимиз — Матбуотчилар кунини нишонлаш ҳам алоҳида ўрин тугади. Маълумки, мазкур байрам «Правда» газетасининг биринчи сони чиққан сана — 5 май кунини нишонлаб келинди.

Ушундай эса биз бу кунни байрам қилмадик. Сабби аниқ — етмиш йилдан ортиқроқ давр мобайнида ҳақиқатдан жар солган ва ҳақиқатни ўзига шпор қилиб олган «Правда» бизни тур-

ғунлик ботқоқига ботирди. «Тараққий» газетаси Ўзбекистонда биринчи бўлиб инсонпарварлик, маърифат ва мустиқиллик учун курашган нашрдир. Ва у ташкил топган кун — 27 июни ҳар йили Ўзбекистон Матбуоти ҳамда оммавий ахборот-воситалари ходимларининг миллий байрами сифатида нишонлашга қарор қилингани айтиш мумкин.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтгани, Демак, барча ишлаб чиқариш корхоналари билан бирга оммавий ахборот воситалари ҳам янги шароитда яшайди. Шу



муносабат билан Журналистлар уюشمаси ўтган йили қатор районларда семинарлар уюштирди. Жумладан, Ферғона водийси, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларида бозор иқтисоди ва унинг истиқболи юзасидан кенг тақриб алашди.

Биз мустиқил давлатлар Журналистлар уюشمалари

халқаро конфедерациясининг тўла ҳуқуқли аъзосимиз. Шунингдек, юздан ортиқ мамлакат журналистларини ўз сафига бirlаштирган, Халқаро журналистлар ташкилоти тарихига ҳам кирганимиз. Уюшма хорижий мамлакатларнинг ижодий ташкилотлари билан ўзaro муносабатлар ўрнатилган катта аҳамият берапти. Жумладан, Бразилия журналистлар ассоциацияси ва ҳиндистонлик ҳаммасаблариниз билан ҳамкорлик туғиришида шартнома тузилди. Шу кунларда Покистон газетачилари билан делегация алмашини юзасидан фикр-мулоҳазалар алашди.

1991 йилда уюшмамизга чет эллик журналистларнинг йигирмага яқин делегацияси келган бўлса, бу кўрсаткич шу йилнинг биринчи ярмидаёқ 200 дан ошиб кетди. Бу мамлакатимизга қизиқининг нақадар катталигини далил беради.

жамоат ташкилотлари муас-сислигида Халқаро матбуот марказини ташкил этиш ма-саласи устида иш олиб бор-илмади. У нафақат хорижий журналистларга, балки, ўзи-мизнинг миллий ҳаммасаб-ларимизга ҳам ҳар тоғонала-м ёрдам беради деган умидда-миз.

Мен бугун республикамиз-даги барча ҳаммасабларимиз-ни Матбуот байрами билан чин дилдан табриқлайман. Уларга жушқин ижодий му-ваффақиятлар тилайман. Мустиқил Ўзбекистонимиз тараққиётини жадаллашти-ришда, янгилиқларни маъму-р касб этган туб ислохотлар-нинг самараларини таъмин-лашда уюшмамиз ва унга аъзо бўлган барча қалам аҳ-ли фаол иштирок этишига амнинан.

Лутфулла КАБИРОВ,  
Ўзбекистон Журналист-лар уюشمаси бошқаруви-нинг раиси.

### «Шарқ»дан зиё таралади

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни Осиё минтақасидаги йилги корхоналардан. Унда 2 миллион 700 минг нусхада 56 та кундалик газета, 13 миллион нусхада 38 та журнал чоп этиляпти. Нашриёт мутахассислари хориқдаги қатор тур-дош фирма, концернлар билан ҳам техник ҳамкорлик қил-шапти. Ўзбекистон матбуо-тининг асосий қисми шу ерда тайёрланади. Ҳозир концерн газета-журналларни эгаларга етказиб беришни ҳам зимла-сига олди.



Ш. Иброҳимов олган суратлар.



СУРАТЛАРДА: «Шарқ»нинг фидойи ходимлари — пех бошлиғи Ғулом Ҳаки-мов ва саҳифачилар Олим Бўриев.

Ш. Иброҳимов олган суратлар.

### ҲАР МИЛЛАТНИНГ ЎЗ ОВОЗИ БОР

Тоҳир ОЛИМБОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўр-сатган журналист, «Овоз тоғоқ» газетасининг бўлим мудири.



— 1956 йили собиқ Урта Осиё давлат университетини тугатганман. Уша йилиёқ «Ўзбекистон сурх» газета-сига мухассиҳ бўлиб ишга келудим.

Журналистика касбини таллаб янгиликман экан-ман. Ҳаётимда қандай рўш-ноликлар кўрган бўлсам, ни-магани эришган бўлсам, ҳаммаси касбим туйғулдир. «Хурмат белгиси» ордени, ҳукуматнинг кўш Фахрий ёрлиғи, бунинг устига Ўзе-

кистонда хизмат кўрсатган журналист унвони умри-нинг зое ўтмаётганидан да-лолатдир.

Мени яна бир нарса беҳад қувонтиради. Собиқ Иттифоқ тарихидаги бирорта жум-ҳуриятда Ўзбекистондаги каби кўп тилларда газета-журналлар чоп этилмаса ке-рак. Мамлакатимизда ҳар бир халқнинг ўз наشري, де-макки ўз овози бор. Бундан ташқари жумҳуриятда ке-йинги пайтларда қўллаб тои-лий марказлар ташкил топ-ди, топмоқда. Улар фаоли-ятининг асл мақсади Ўзе-бекистон халқлари маданиятларини ривожлантириш, дустлик ва ҳамжihatлигини мустиқла-штиришдир. Бу мустиқил Ўзе-бекистон давлати ички ва та-шқи сиёсатининг маъму-но-ҳиятининг акс эттиради. Ҳу-бек матбуоти эса ана шу сиёсатнинг амал олишига хизмат қилмоқда. Мен ҳам кўп соғиниб Ўзбек журналист-лари сафига шу халқли иш-га оами-қўлим улуғи қўша-ётганим билан фахрланаман.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВГА

Мухтарам Президентимиз!  
Жонажон Ўзбекистонимиз Сиз юриятган изчил сиёсат туйғулари тараққиётнинг тўғри йўлига чиқиб олди. Иқтисодийда, халқ исте-моли моллари ишлаб чиқа-ришда, аҳолини энг зар-рур озиқ-овқат ва саноят моллари билан таъминлаш-да бирмунча барқарорлик юзага келди. Республикада оқошиятлик, фуқаролар тотувлиги вазияти қарор топди.

Аҳолининг кам таъмин-ланган табақаларини ижти-моий ҳаммоллаш, халқ таъ-лими ва маданият соҳала-

нинг яна бир намунаси бўл-ди.

Ташаббусингиз билан му-стақил Ўзбекистоннинг мил-лий мафқурасини шакл-лантириш, олий аъмо-лар-ни белгилаш, асрий қад-риятларимизни тиклаш, фуқароларда она-юрта му-ваббат туйғулариини уй-ғотиш, ёшларимизни вата-нпарварлик руҳида тарбия-лаш борасида улкан иш-лар амалга оширилмоқда. Биз матбуот ходимларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни жавобан ана шу эзгу ишларни рўёбга чи-қаришда доимо куч-қудрати бўлмамиз, бор куч-қудрати-мизни, илҳомимизни вата-ннинг ёруғ келажаги йу-лида сарф этамиш!

Ўзбекистон Миллий ахбо-рот агентлиги ижодий жа-моаси.

### Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲАВО КОДЕКСИ

### I. БУЛИМ. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР.

1-модда. Самовий ҳудуд суверенитети  
Республиканинг қурул-ликдаги ерлари ва сув ҳав-залари устидаги самовий ҳу-дудига Ўзбекистон Респу-бликаси тўла ва таъхо ағалик қилади.

Ўзбекистон Республика-сининг самовий ҳудуди Ўзе-бекистон давлати ҳудуди-нинг ажралмас қисмидир.

2-модда. Самовий ҳудуд-дан фойдаланиш ва авиация фаолиятини тартибга солиш қонуналар

Ўзбекистон Республика-сининг самовий ҳудуддан фойдаланиш ҳамда ундан фойдаланувчи ҳамда ундан фойдаланиш авиациянинг фаолиятига тааллуқли муно-сабатлар республика ҳудуди-да ушбу Кодекс ва республи-канинг бошқа қонуни ҳужжат-лари билан, Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳка-маси томонидан тасдиқлана-диган Ўзбекистон Респу-бликаси самовий ҳудуддан фойдаланиш тўғрисидаги Низом билан, шунингдек Авиация маъмурияти ҳамда Мудофаа вазирлиги томонидан тас-диқланганга Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудуд-да парвоз қилиш қонда-ли билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республика-сининг халқаро битимида ушбу Кодекс ёки республи-канинг бошқа қонуни ҳужжат-ларидаги қондалардан бўлак қондалар назарда тутилган бўлса у ҳолда халқаро битим қондалари қўлланилади.

3-модда. Ўзбекистон Рес-публикаси Ҳаво кодексининг амал қилиш доираси  
Ўзбекистон Республика-сининг Ҳаво кодекси давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаво кемалари парвози хавф-сизлигини таъминлаш, Ўзе-бекистон Республикаси халқ ҳужалиги ва фуқаролари эҳтиёжларини қондириш мақ-садларида авиация фаолият-ини ҳамда самовий ҳудуд-дан фойдаланиш билан боғ-лиқ бошқа фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилай-ди; фақат фуқаро авиацияси-гагина тааллуқли 24, 25, 33, 38, 43 — 46, 50, 53, 54, 56, 57, 64 — 135-моддалардан ташқари, Ўзбекистон Респу-бликасининг барча авиацияси учун тааллуқлидир.

4-модда. Самовий ҳудуд-дан фойдаланиш ва авиация фаолиятини соҳасидаги давлат бошқаруви ва назорати  
Самовий ҳудуддан фойда-ланиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ самовий ҳудуддан фойдаланиш соҳасидаги дав-лат бошқаруви ва назоратини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва-зирлиги зиммасига юклана-ди.

Фуқаро ва экспериментал авиация фаолияти соҳаси-даги бошқарув ва назоратни Ўзбекистон Республика-сининг Авиация маъмурияти амалга оширади.

Давлат авиацияси фаоли-яти соҳасидаги бошқарув ва назоратни ўз ваколатлари доирасида Мудофаа вазирли-

бошқа ташкилотлар ҳамда фуқаролар самовий ҳудуддан ва авиация фаолиятдан оқидона, самарали ҳамда хавфсиз фойдаланиш бораси-даги тадбирларни ишлаб чи-қиш ва амалга оширишда иштирок атиш ҳуқуқига эга-дирлар.

Давлат органлари юқорида зикр этилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оши-риш чоғида тижорат, жамоат ва давлат тасарруфида бўл-маган бошқа ташкилотлар-нинг ҳамда фуқароларнинг тақдирларини ҳисобга ола-дилар.

### II БУЛИМ. САМОВИЙ ҲУДУДАН ФОЙДАЛАНИШ

1-БОБ. САМОВИЙ ҲУДУДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

6-модда. Самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият  
Ўзбекистон Республика-сининг самовий ҳудуддан фой-даланиш билан боғлиқ фаол-иятга ҳаво кемаларининг ва бошқа учувчи аппаратларнинг парвози, барча отишма тур-лари ва ракета учирлишлар, портлатиш ишлари ва мод-дий объектларнинг самовий ҳудуддаги ҳаракати билан боғлиқ бошқа фаолият кир-ади.

7-модда. Самовий ҳудуд-дан фойдаланувчилар  
Ўзбекистон Респу-блика-сининг ҳамда ўзга давлат-ларнинг ушбу Кодекснинг 6-моддасида назарда тутилган

фаолиятини амалга оширувчи, Ўзбекистон Республика-сининг давлат органларида расмий рўйхатдан ўтган корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудуддан фойдаланувчилар ҳисобланади.

8-модда. Самовий ҳудуд-нинг тартиби  
Самовий ҳудуддан фойда-ланиш билан боғлиқ фаолият-ини амалга ошириш учун са-мовий ҳудудда ҳаво транс-порти қатновига хизмат кўр-сатадиган районлар, аэро-дромлар ва аэроузёлларнинг районлари, ҳаво йўллари, ҳаво кемалари парвозининг йу-налишлари ва махсус минта-

қа тадбирларни амалга оши-риш учун;

н) фуқароларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш би-лан боғлиқ фаолият учун;

с) бошқа фаолиятлар учун.

10-модда. Самовий ҳудуд-дан фойдаланиш илдам бошқарувчи органлар  
Самовий ҳудуддан фойда-ланиш ушбу Кодекснинг 4-моддасида кўрсатилган органлар ўз ваколатлари до-ирасида илдам бошқарадилар.

11-модда. Самовий ҳудуд-дан фойдаланишга рухсат бе-риш  
Зарур ҳафсизлик қонда-ларига риоя қилинган ҳолда ва фақат ушбу Кодекснинг 4-моддасида кўрсатилган ор-ганлардан Самовий ҳудуддан фойдаланиш бошқармаси (СҲФБ) органлари орқали рухсат олингандан кейинги-на Самовий ҳудуддан фойда-ланиш билан боғлиқ фаолият-га ижозат берилади.

Самовий ҳудуддан фойда-ланиш бошқармаси органла-рининг кўрсатмалари само-вий ҳудуддан фойдаланиш-ларнинг барчаси учун маж-бурийдир.

12-модда. Самовий ҳудуд-дан фойдаланиш тақдирлаш ва чеклаш  
Ўзбекистон Республика-сининг самовий ҳудуддан ёки унинг айрим минтақа-ларидан ушбу Кодекснинг 6-моддасида назарда тутилган фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиш Самовий ҳудуддан фойдаланиш бош-қармаси органлари томони-дан тақдирлаш ёки чекла-ниш мумкин.

м) ўқув, қўрағамли, ма-даний-маърифий ҳамда боп-

Самовий ҳудуддан фойда-ланишдан манфаатдор вазир-ликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муас-сасалар, ташкилотлар ва фуқаролар Авиация маъмурияти, Мудофаа вазирлигининг тегишли органлари билан, самовий ҳудуддан ҳаво кемаларининг парвози учун фой-даланилган тақдирда эса, Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳужумидан мудофаа ор-ганлари билан ҳам алоқа на-наллари ташкил қилишга мажбурдирлар.

Алоқа корхоналари фойда-ланувчиларга зарур алоқа каналларига ва воситаларини ижарига берадилар. Хизмат-га бериладиган алоқа каналлари ва воситалари ишдан чиққан тақдирда улар белгилаган тартибда бошқа алоқа кана-ллари ва воситалари билан алмаштирилиши лозим.

Умумий фойдаланишдаги барча халқаро ва шаҳарлар-аро телефонлар ҳамда теле-графини Ўзбекистон Респу-бликаси Алоқа вазирлигининг корхоналари ўрнатадилар ва ишлатадилар.

14-модда. Самовий ҳудуд-дан фойдаланиш тартиб-ининг бузилиши  
Ушбу Кодексга ва унинг асосида ишлаб чиқилган бош-қа ҳуқуқий ҳужжатларга энд равишда Ўзбекистон Респу-бликаси самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият Ўзбекистон Респу-бликаси самовий ҳудуддан фойдаланиш тартибини бузиш деб эътироф этилади.

(Давоми 2-, 3-, 4-бетларда).





